

ISSN: 2181-4031

DOI Journal 10.56017/2181-4031

JOFS

6-CON

ИЮНЬ, 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

Journal of Fundamental Studies

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ



IMFAKTOR
PAGES



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 6-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-6

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-6

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 6 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-6>

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Матибаев Т. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-ўй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Юридик фанлар

БАХРАМОВ Хожиакбар Хусанович

Ички Ишлар Вазирлиги Малака ошириш институти

катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8022572>

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКДА ЖАРИМА ЖАЗО ЧОРАСИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда маъмурий жарима жазо чорасининг тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари ва қўлланилишининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: маъмурий жарима, жазо чораси, жариманинг энг кам ва энг кўп миқдорлари, жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби ва муддатлари.

БАХРАМОВ Хаджиакбар Хусанович

Институт повышения квалификации МВД

старший преподаватель

ШТРАФ В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ ОБ АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ПОНЯТИЕ И ПРИМЕНЕНИЕ НАКАЗАНИЯ ОТЛИЧИТЕЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещается понятие, особенности и особенности применения административного штрафа как меры наказания в законодательстве об административной ответственности.

Ключевые слова: административный штраф, мера взыскания, минимальный и максимальный размер штрафа, упрощенный порядок и сроки исполнения постановления о наложении штрафа.

BAHRAMOV Hajiakbar Hasanovich
Institute of Advanced Training of the Ministry of Internal Affairs
senior lecturer

FINE IN THE LEGISLATION ON ADMINISTRATIVE RESPONSIBILITY THE CONCEPT AND APPLICATION OF PUNISHMENT DISTINCTIVE FEATURES

ANNOTATION

This article highlights the concept, features and peculiarities of the application of an administrative fine as a measure of punishment in the legislation on administrative responsibility.

Keywords: administrative fine, penalty measure, minimum and maximum amount of fine, simplified procedure and deadlines for the execution of the decision on the imposition of a fine.

Сўнгги беш йиллик ислохотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Дунёдаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон кадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган 7 та устувор йўналиш, 100 та мақсад ва 398 та амалга оширилиши лозим бўлган механизмлардан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланди [1].

Ушбу ҳужжат барча соҳаларни янада ривожлантириш бўйича йўналишлар ва устувор вазифаларни белгилади. Жумладан:

- инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;
- мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;
- ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш;
- ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш ҳамда аҳоли билан мақсадли ишлашга йўналтириш;
- қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда «Қонун – устувор, жазо – муқаррар» тамойилини бош мезонга айлантириш каби вазифалар.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш республикамизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, ижтимоий, ҳуқуқий демократик давлат куриш бўйича кўзланган мақсадларга эришишнинг зарурий шартларидан биридир.

Жумладан, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс нормаларига мувофиқ, содир этилган маъмурий қонунчиликка хилоф хатти-ҳаракатлар учун қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланган ҳолда адолатли маъмурий жазо чоралари қўлланилиши шарт [2].

Шунингдек, бу борада, мавжуд юридик адабиётларда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун юридик жавобгарлик сифатида маъмурий жавобгарлик ва унда назарда тутилган муайян маъмурий жазо чоралари қўлланилиши қайд этилган [3].

Маъмурий жазонинг мақсадига тўхталадиган бўлсак, маъмурий жазо – мақсадига кўра маъмурий мажбурлов чораларининг бир тури ҳисобланади. Маъмурий жазо маъмурий мажбурловнинг бошқа чораларидан фарқли равишда ҳуқуқбузар томонидан маъмурий қонунчилик билан қўриқладиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилинганда, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда-гина қўлланиладиган ўзига хос мақсадга эга жазо санкциялари бўлиб, маъмурий-процессуал тартибда амалга оширилади.

Маъмурий жазо – Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси билан, маъмурий мажбурловнинг бошқа чоралари эса турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 22-моддасида маъмурий жазонинг мақсади куйидагича баён этилган. Маъмурий жазо – жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади [4].

Шу боис, жазолаш маъмурий жазонинг асосий мақсади эмас, балки ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни Конституция ва қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ тартиботни таъминлаш, ушбу шахснинг ўзи ва бошқа шахслар томонидан янги ҳуқуққа хилоф қилмишлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Қолаверса, маъмурий жазо, маълум бир маънода, жиноятларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади [5].

Бевосита маъмурий жарима – жазо чораси ва уни қўлланилишининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қиладиган бўлсак. Шунини таъкидлашимиз мумкинки, маъмурий қонунчиликни қўллаш амалиётида энг кўп ва самарали қўлланиладиган маъмурий жазо чораларидан бири – маъмурий жарима жазо чорасидир.

Мазкур ҳаммабоп “универсал” маъмурий жазо чораси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда қайд этилган деярли барча маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилиши мумкин.

Масалан: амалдаги МЖтКнинг Махсус қисмида 14 та Бобдаги 14 тур(соҳа)даги маъмурий ҳуқуқбузарликлар назарда тутилган бўлиб, уларни содир этганлик учун асосан жарима жазо чораси қўлланилиши ёки бошқача айтганда, қолган жазо чораларига нисбатан маъмурий жариманинг қўлланиш ҳиссаси анча кўпроқ ҳисобланади.

Зеро, МЖтКнинг Махсус қисмидаги маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи (санкцияга эга) 40–24-моддаларида жами 376 та модда мавжуд бўлиб уларнинг барчасида маъмурий жарима жазо чораси назарда тутилган, аксариятида эса иккинчи ва хатто кейинги қисмларида ҳам маъмурий жарима жазо чораси қўлланилиши мумкинлиги қайд этилган.

Шунингдек, айрим моддаларнинг санкциясида жиддий чора сифатида маъмурий қамок назарда тутилган бўлиб бироқ, ҳуқуқбузар шахсга маъмурий қамокқа олиш чораси қўлланилиши мумкин бўлмаган ҳолларда айнан маъмурий жарима жазо чораси қўлланилиши мумкин бўлган ягона таъсир чора ҳисобланади.

Булардан ташқари, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка киритилган янги маъмурий жазо чораси “28¹-модда. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш” қўлланилганда агарда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган ҳуқуқбузар – мазкур жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг ўталмаган муддатини ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг саккиз соати учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварига тенг жарима билан алмаштиради. Бунда, жариманинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ошмаслиги керак [6].

Маъмурий жарима жазо чорасининг тушунчасига эътибор қаратадиган бўлсак. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда (МЖТКнинг 25-м.) белгиланишича жарима бу – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдир [7].

Жарима – моддий хусусиятга эга бўлган маъмурий жазо чораси бўлиб, айбдор шахсдан давлат ҳисобига ундириб олинадиган муайян пул миқдорида ифодаланади. Маъмурий жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Маълумот учун Ўзбекистонда жорий йилнинг 1 май кунидан базавий ҳисоблаш миқдори – 330 минг сўм этиб белгиланган [8].

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг эллиқдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса – ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Фуқаро ва хизматчиларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ошмаслиги керак. Баъзи ҳуқуқбузарликлар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз эллиқ бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин [9].

Жумладан: МЖТКнинг 189-моддасида белгиланган Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этганлик учун – порнографик маҳсулотни, шу жумладан уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллиқ бараваридан тўрт юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – юз бараваридан тўрт юз эллиқ бараваригача миқдорда жарима жазоси қўлланилишига сабаб бўлади.

МЖТКнинг 189¹-моддасида қайд этилган Тазйиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этганлик учун – тазйиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни, шу жумладан уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллиқ бараваридан тўрт юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – юз бараваридан тўрт юз эллиқ бараваригача миқдорда жарима жазоси қўлланилишига сабаб бўлади.

Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан белгиланадиган жариманинг энг кўп миқдори МЖТКнинг 6-моддасига биноан фуқароларга – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ошмаслиги кераклиги белгиланган.

Мазкур маъмурий жарима жазо чораси – ҳуқуқбузарнинг онгига таъсир этиш орқали, бевосита унинг моддий манфаатларига таъсир қилади. Бу чоранинг ўзига хос хусусиятлари яна қуйидагиларда намоён бўлади яъни ҳуқуқбузар эркинлиги чекланмайди, махсус ҳуқуқдан маҳрум қилинмайди, хатто суд томонидан маъмурий жаримага тортилган ҳолларда ҳам судланганлик ҳуқуқий оқибатини келтириб чиқармайди. Шу боис, маъмурий жарима самарали жазо чораларидан бири бўлиб ҳисобланади.

МЖТКнинг 24-моддасига биноан жарима маъмурий жазо чораларининг асосий тури ҳисобланади.

Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда жарима қўшимча маъмурий жазо чораси билан биргаликда солиниши мумкин (Масалан: ашёни ҳақини тўлаш шарты билан олиб қўйиш, мусодара қилиш ёки махсус ҳуқуқдан (ов қилиш, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш).

Шуни таъкидлаш керакки, қонун чиқарувчи МЖтКнинг 16-моддасида муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиларига жарима солиниши мумкин эмаслигини қайд этган. Бундай ҳолларда унинг ўрнига интизомий чора қўлланилади.

Амалдаги қонунчилигимизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан сўнг жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш муддатлари ва тартиби қуйидагича белгиланди. Жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда – шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим [10].

Бирок, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун солинган жаримани ҳуқуқбузар жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан олтмиш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган ҳолларда эса, шикоят ёки протест қаноатлантирилмай қолдирилганлиги тўғрисида хабар берилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тўлаши керак.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг мустақил иш ҳақи бўлмаган тақдирда, жарима уларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслардан ундириб олинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун солинган жарима ҳуқуқбузар томонидан тегишли банк муассасасига тўланади, ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида ундириб олинмаган жарима бундан мустасно.

Ҳуқуқбузар жаримани МЖтКнинг 332-моддасида белгиланган муддат ичида тўламаган тақдирда, жарима солиш тўғрисидаги қарор суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонунчиликда белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ундириб олиш учун юборилади. Агарда жарима солинган шахс ишламаётган бўлса ёхуд жаримани ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан, пенсияси ёки стипендиясидан бошқа сабабларга кўра ундириб олишнинг иложи бўлмаса, уни ундириб олиш давлат ижрочиси томонидан жарима солиш тўғрисида тегишли орган (мансабдор шахс) чиқарган қарор асосида ҳуқуқбузарнинг мулкидан, шунингдек умумий мулкдаги унинг ҳиссасидан ундириб олиш йўли билан амалга оширилади.

Бирок, маъмурий жарима Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ижро ҳужжатлари бўйича ундириб олиниши мумкин бўлмаган мол-мулкдан ундириб олиниши мумкин эмас.

Республикамизда изчиллик билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида қонун чиқарувчининг, инсонпарварлик ва демократизм принципларини амалда реал қўлланилишига имконият яратиб 2020 йил 17 мартдаги ЎРҚ-612-сонли Қонуни билан МЖтК қуйидаги таҳридаги “Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби” номли янги 332¹-модда билан тўлдирилиши жамиятиз томонидан мамнуният билан қабул қилинди. Жумладан, илк бора жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиб амалга оширилиши қуйидагича белгиланди.

Ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган (30 %) қисмини тўлашдан озод қилинади. Бундай жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби қуйидаги ҳолатларда қўлланилмаслиги белгиланган эди:

- 1) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун суд томонидан жарима солинганда;

2) жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда ёки протест билдирилганда;

3) худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилганда.

Аммо, таъкидлаш керакки, МЖТКнинг 17¹-моддасининг учинчи қисмида белгиланган Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилган тақдирда, ҳуқуқбузарликнинг такрорийлиги ҳисобга олинмайди, бироқ, МЖТКнинг 321-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган (Махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилишларига доир иш янгитдан кўриб чиқиш учун юборилиб, қарор бекор қилинган тақдирда, мазкур иш маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан у илгари содир этган ҳуқуқбузарликларнинг такрорийлиги инобатга олинган ҳолда умумий асосларда кўриб чиқилиши лозим) ҳол бундан мустасно.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар маъмурий жарималарни тўлашда аҳолига кўшимча қулайликлар яратилишини, шунингдек суд қарорларига асосан қўлланиладиган маъмурий жарималарга нисбатан ҳам жарима солиш тўғрисидаги қарорларни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилишини тақозо этмоқда.

Мазкур ҳолатларни инобатга олган ҳолда аҳолига маъмурий жарималарни тўлашда кўшимча қулайликлар яратиш ва жарима юқини камайтириш, қўлланилган жарималарни ижро этиш тизимини янада соддалаштириш, шунингдек, давлат органларининг аҳоли билан муносабатларида ортиқча бюрократик тўсиқларни ва коррупцион омилларни бартараф этиш мақсадида 2023 йил 23 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига маъмурий жарималарни тўлашда кўшимча қулайликлар яратиш ҳамда соҳада коррупцион омилларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-99-сон Қарори қабул қилинди [11].

Ушбу қарор билан 2023 йил 1 майдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича қўлланилган жаримани ихтиёрий тўлаш тизими янада соддалаштирилиши белгиланди. Унга кўра:

- ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг 50 фоизини, ўттиз кун ичида 70 фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилиниши;

- мазкур тартиб суд қарорларига асосан қўлланиладиган жарималарга нисбатан ҳам татбиқ этилиши бўйича Вазирлар Маҳкамасига мазкур Қарорда назарда тутилган талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тегишли қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритиш юклатилди.

Ушбу вазифаларни тўла бажариш ҳамда “Маъмурий жарималарни тўлашда аҳолига кўшимча қулайликлар яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 332¹-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги 2023 йил 18 апрель ЎРҚ-830-сон қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан жариманинг 50 фоизини ўн беш кун ичида ёки 70 фоизини ўттиз кун ичида ихтиёрий равишда тўлаш тартиби жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартиш киритилди. Мазкур тартиб суд қарорларига асосан қўлланиладиган жарималарга нисбатан ҳам татбиқ этилиши белгиланди [12].

Мазкур қонун маъмурий жарималарни тўлашда жарималар юқини камайтиришга ҳамда маъмурий жарималарни ихтиёрий равишда тўлаш тизимини янада соддалаштиришга, шунингдек суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатлари ўз вақтида ижро этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Амалдаги ЎЗР МЖТКнинг 332¹-моддасининг матни эса қуйидаги тахрирда баён этилди:

«Ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг эллик фоизини ёки ўттиз кун ичида жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби куйидаги ҳолларда қўлланилмайди:

МЖТКнинг 131 (Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш), 132 (Кема ҳайдовчиларининг кичик ҳажмли кемаларни маст ҳолда бошқариши), 136 (Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши), 140 (Маст ҳолдаги ҳайдовчиларнинг ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйиш) моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилганда;

жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда ёки протест билдирилганда;

худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилганда».

Республикамизда ушбу қонун 2023 йил 1 майдан эътиборан кучга кирган. Фикримизча, жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилмайдиган ҳолларга яна куйидаги қасддан содир этиладиган қўпол маъмурий ҳуқуқбузарликларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

41¹-модда. Шаҳвоний шилқимлик қилиш;

183-модда. Майда безорилик;

188-модда. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш;

188¹-модда. Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш;

189-модда. Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш,

реклама қилиш, намоийш этиш;

189¹-модда. Газийқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намоийш этиш;

194-модда. Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик;

194¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчисининг (ходимининг) қонуний талабларини бажармаслик;

195-модда. Ички ишлар органлари ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш

195¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг) ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш.

Таъкидлаш керакки, амалдаги МЖТКнинг 17¹-моддасининг учинчи қисмида белгиланган Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қодалари бузилганлиги қайд этилган тақдирда, ҳуқуқбузарликнинг такрорийлиги ҳисобга олинмайди (яъни соддалаштирилган тартибда жарималарни тўлаши мумкин), аммо МЖТКнинг 321-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган (Махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қодалари бузилишларига доир иш янгитдан кўриб чиқиш учун юборилиб, қарор бекор қилинган тақдирда, мазкур иш маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан у илгари содир этган ҳуқуқбузарликларнинг такрорийлиги инобатга олинган ҳолда умумий асосларда кўриб чиқилиши лозим) ҳол бундан мустасно.

Сир эмаски, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади. Шу боис, ваколатли орган (мансабдор шахс)лар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳеч кимни қонунчиликда белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир кўрсатиш чорасига тортиши мумкин эмас. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фақат қонунийликка риоя қилиш асосида олиб борилиши шарт.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.
2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси 19.04.2023 й., 03/23/830/0216-сон.
3. И.А.Хамедов, Ў.Х.Мухамедов таҳрири остида Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. Т., 2017 й.
4. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси 19.04.2023 й., 03/23/830/0216-сон.
5. Алёхин А.П., Козлов Ю.М. Административное право. Ч.1. – М., 1995. – С. 235.
6. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон.
7. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.04.2023 й., 03/23/830/0216-сон.
8. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.03.2023 й., 06/23/45/0178-сон.
9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2020 й., 03/20/658/1670-сон.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 мартдаги ЎРҚ-612-сонли Қонуни таҳририда – ЎР ҚХММБ, 2020 й., 03/20/612/0326-сон.
11. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.03.2023 й., 07/23/99/0159-сон.
12. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.04.2023 й., 03/23/830/0216-сон.

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 6-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-6

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-6

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz